



ТАДБИРКОРЛАР ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИШОНЧНИ ОҚЛАМОҚДА (ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МАРҒИЛОН ШАҲРИ МИСОЛИДА)

Муминов Музаффар Эркинович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси бошлиғи ўринбосари, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

Тошпўлатова Зилолаҳон Акмалжон қизи

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-ўқув курси курсанти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8166514>

ARTICLE INFO

Received: 10th July 2023

Accepted: 15th July 2023

Online: 19th July 2023

KEY WORDS

Тадбиркор, тадбиркорлик фаолияти, тадбиркорлик субъектлари, тадбиркорлик объектлари, маркетплейс, оилавий корхона, оилабай ишлаш, темир дафтар, аёллар дафтари, ҳунармандлар уюшмаси, имтиёзли кредитлар, таъминотчи, тижорат банклари.

ABSTRACT

Мақолада муаллиф томонидан профилактика инспекторларининг тадбиркор оилалар билан ишлаш фаолиятининг ўзига хос жиҳатлар, юзага келадиган муаммо ва камчиликлар, тадбиркорларнинг талаб ва таклифлари батафсил ўрганилиб, бугунги ислохотларнинг натижаси ва статистик маълумотлар атрофича таҳлил қилиниб, мазкур масалада назарий ҳамда амалий ҳулосалар ёритиб ўтилган.

КИРИШ

Кундан-кунга тараққий этиб келаётган Янги Ўзбекистонимизда давлат сиёсатида муҳим ўрин тутувчи иқтисодиётнинг негизи ҳисобланмиш оилавий тадбиркорлик бугунги кунга келиб унга берилган ишончни оқлаб келмоқда. Давлатимиз томонидан моддий маблағлар ажратилиб, керакли хом-ашёлар, мутахассислар билан таъминлаб берилсаю, аммо тадбиркор булардан унумли фойдаланмаса, масъулият билан ёндашмаса барча ҳаракатлар бекордир. Тадбиркорлик фаолиятига доир нормалар ишлаб чиқилгандан сўнг, албатта, уни эркин амалга ошириш учун ҳам уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамлаб қўйилиши ҳамда амалиётда кенг татбиқ этилиши лозим. Уларнинг талаб ва таклифлари, юзага келувчи муаммо ва тўсиқлари узлуксиз равишда ўрганилиб, ўз вақтида бартараф этилсагина кўзланган натижага эришишимиз мумкин. Демак, тадбиркорнинг фаол ташаббускорлиги, давлатнинг эса ҳам моддий ҳам маънавий қўллаб-қувватлаши иқтисодиётимизнинг тараққий этишининг кафолатидир.

Бизга маълумки, ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар асосан ишсиз, муайян касб-ҳунар билан банд бўлмаган, моддий етишмовчилиги бор шахслар томонидан содир этилади. Шу сабаб ҳам бугунги кунда ёшларни ўқиш, касб-ҳунарга йўналтириш, ишсиз



фуқароларимизни бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш давлатимизнинг асосий вазифаларидан бирига айланган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда президентимиз ишончини оқлаб кун-у тун тиним билмай юракдан меҳнат қилаётган тадбиркорларимиз кўпчиликини ташкил қилмоқда. Жумладан, Фарғона вилояти Марғилон шаҳрида жойлашган 2018-йилда ташкил этилган аёллар пальтолари, плашлари, костюм-шим ҳамда бошқа либосларини ишлаб чиқарувчи “Наримтекс” корхонасини келтириб ўтиш мумкин. Ушбу корхона Аминова Наргиза Толибовна томонидан ташкил қилинган. Корхона маҳсулотлари бошқа давлатларга ҳам эксперт қилиниб, хусусан, Россия, Канада, Қозоғистон, Исроил ва шу каби бошқа давлатлар бозорларида ўз ўрнига эгадир. Корхона иш бошқарувчисининг таъкидлашича: “Тадбиркор ҳеч қачон давлат ёки бирон шахс унга шароит яратиб беришини кутиб ўтириши керак эмас. У ўзи шароит яратиши керак, ўзи ҳаракат қилиши лозим. Шундагина у тадбиркорлик қила олади”.

Ушбу корхонага муҳтарам президентимиз Шавкат Мирзиёев ташриф буюриб, ишлаб чиқариш жараёни билан танишиб, тикувчи аёллар билан мулоқотда бўлган. “Хотин-қизларимизнинг ҳаётга муносиб бўлишида кийиниш маданиятининг ўрни каттадир. Либоси ўзига ёқса, ярашса, аёл кишининг кайфияти яхши бўлади. Бундай чиройли ва бежирим, миллий менталитетимизга мос кийимлар кийган хотин-қизларнинг дунёқараши ҳам кенг бўлади. Бу йўналишни ривожлантириш учун ҳамма шароитларни яратиб беришга тайёрмиз. Чунки аёлларимизни рози қилиш давлатимизнинг энг катта сиёсати” дея таъкидлаб ўтганлар.

2012-2015-йилларда Хитой билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш жараёни модернизация қилинган. Замоनावий бичиш-тўқиш, безак бериш ҳамда тикув машиналари келтириб ўрнатилган. Бугунги кунда бу ерда кўйлак, костюм, камзул, пальто, куртка каби 20 турдан ортиқ маҳсулотнинг 1000 га яқин модели ишлаб чиқарилмоқда. Замоनावий кўринишга монанд тайёрланаётган ушбу либослар юртимиз хотин-қизларига маъқул бўлмоқда.

Бундан ташқари, ўтган йили мазкур корхона 632 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилган. Жорий йилда ушбу кўрсаткични 801 минг долларга етказиш мўлжалланмоқда. Ушбу корхона ҳозирги кунда 300 дан ортиқ фуқароларимизни иш билан таъминлаб, уларнинг ўз ҳаётларини йўлга қўйишларига, ишчанлик қобилиятларини оширишларига қулай шароитлар яратиш билан бирга давлатимизда камбағалликни камайтиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шунингдек, чеварлар сулоласидан бўлган Холматова Шоҳида опа ота-оналаридан тикувчиликни мукамал ўрганиб, секин асталик билан ушбу фаолиятларини кенгайтириб, ўзларининг оилавий корхоналарини ташкил этган ва ҳозирда ушбу корхона бошқа корхона, муассаса ва ташкилотлар билан шартнома асосида ҳамкорликни йўлга қўйиб, улар учун махсус кийимлар етказиб берадилар. Ушбу оилавий корхона ҳозирги кунда 150 дан ортиқ фуқароларимизни иш билан таъминлаб келмоқда.

Холматова Шоҳида опа шу билан кифояланмай, Хитой Халқ Республикасидан шартнома асосида ишлаб чиқариш аппаратларини олиб келиб, паркўрпа, ётоқхона чойшаблари ва шу каби чет эл товарларини ўзимизда ҳам ишлаб чиқариш жараёнини йўлга қўйиб



Ўзбекистон ички бозорини ривожланишига ўзининг катта ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ишлаб чиқарилаётган товарлар чет элга, жумладан, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатларга ҳам экспорт қилинади. Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан қилган меҳнатлари самараси сифатида Холматова Шоҳида опа 2021-йилда Шухрат медали соҳиби бўлганлар.

Тадбиркорлар билан суҳбатимиз давомида шу нарса маълум бўлдики, асл тадбиркор давлатга қараб қолмаслиги, қачонки давлат шароит яратиб берса кейин қиламан, у нарса йўқ, бу кам дея дангасалик важларини тўқимай ўз касби, хунарига виждонан, юракдан ёндашсагина мақсадига эриша олади. Ахир айтишадику, инсонда 1 фоиз қобилият, 99 фоиз меҳнат ва истак бўлсагина у юксак марраларга эришади.

Юқорида мисолларимизда келтириб ўтган тадбиркорларимиз ҳам ана шундай хислатлар соҳиби ҳисобланиб, улар бундай юксак мақомга эришиб, президентимиз назарларига тушгунга қадар узоқ меҳнат ва машаққат йўлини босиб ўтишган. Улардан талаб ҳамда таклифлари сўралганда, ҳамма шароит мавжудлигини, давлатимиздан эмас, балки фуқароларимиздан ўқиш, дангасалик қилмаслик, ношукур бўлмаслик ҳамда берилган имкониятлар ва вақтни зоя кетказмасликларини сўрашди. Бу талабларнинг вужудга келиш сабаби шундаки, улар асосан мутахассис ишчиларни чет эл давлатларидан шартнома асосида олиб келаётганидан. Агар бизда ҳам ҳозирги замон фан ва техникасини мукамал равишда ўрганиб, мутахассис сифатида шакланган ходимлар етарли бўлса эди, биз бошқа давлатнинг эмас балки ўз фуқароларимизни иш билан таъминлаган бўлар эдик. Бизнинг асосий мақсадимиз ҳам аслида мана шу.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганларидек: “Иккита иш ўрнини яратган тадбиркорни бошимда кўтаришга тайёрман”. Дарҳақиқат, бугунги кунда тадбиркорларга яратилаётган кенг имкониятлар, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар уларга берилган эътиборнинг белгисидир. Бугунги кунга келиб тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний ҳамда сабабсиз аралашишлар, текшириш ҳолатлари бутунлай бартараф этилди, имтиёзли кредитлар ташкил этилди, шуниндек, уларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилди ва қонунлар асосида мустаҳкамлаб қўйилди. Биз юқорида сиз билан танишган тадбиркорлар эса бунинг яққол мисolidир.

ХУЛОСА

Юқорида келтириб ўтилган фикрларга кўра тадбиркорлик фаолиятини янада кенг йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун қуйидаги вазифаларни самарали ташкил этиш лозим:

- 1) бугунги кунда тадбиркорларга яратилаётган имкониятлар ва имтиёзлар ҳақида аҳоли онгида тушунчалар ҳосил қилиш ва ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида кенг тарғибот ташвиқот ишларини амалга ошириш;
- 2) ишлаб чиқаришда ишчи кучини жалб қилиш учун ҳудуд профилактика инспекторлари билан тадбиркорлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- 3) тадбиркорлик ҳамда бошқа соҳаларда ҳам фуқароларимизнинг билим савиясини ошириш мақсадида уларни ўқишга қизиқтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- 4) профилактика инспекторларининг тадбиркор оилалар билан ҳар ойда суҳбатлар ташкил этиш ва талаб ҳамда таклифларини ўрганиб бориш лозим.